



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz


2022 йил 16 май, № 100 (8162)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти, Абу-Даби амири Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаённинг вафот этгани муносабати билан таъзия билдириш учун 15 май куни ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Абу-Даби шаҳридаги Президент мажмуасида давлатимиз раҳбари Бирлашган Араб Амирликларининг янги сайланган Президенти Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан учрашди.

Учрашув аввалида мамлакатимиз етакчиси Амирликлар Президенти ва дўст халқига Президент Халифа бин Зоид Ол Наҳаённинг бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Шайх Халифа мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшгани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, Президентимиз Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённи олий давлат лавозимига сайлангани билан табриклаб, келгуси фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

Етакчилар Ўзбекистон ва Амирликлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари БАА ташқи ишлар вазири Абдулла бин Зоид Ол Наҳаён ҳамда Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири Мансур бин Зоид Ол Наҳаён билан ҳам учрашувлар ўтказди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

БИЗ ва ЖАҲОН



GERMANIA BOZORI ЎЗБЕК ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ УЧУН ОЧИЛМОҚДА

Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компаниялари вакилларида иборат делегация Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида бўлиб турибди.

Амалий сафар дастури доирасида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси кўмагида Германия ва Европанинг йirik брендлари вакиллари билан бизнес учрашувлар ташкил этилди. Хусусан, ўзбек тадбиркорларининг Германиянинг таниқли мода компанияларидан бири — “S.Oliver Bernd Freier GmbH&Co.KG” менежерлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу немис компанияси 1969 йилда очилган. Компания кийим-кечак, пойабзал, аксессуарлар ва парфюмерия маҳсулотларини ишлаб чиқаради ва уларни бутун дунё бўйлаб сотади. “S.Oliver Bernd Freier GmbH&Co.KG”нинг йиллик товар айланмаси 1,5 миллиард евродан ортиқни ташкил қилади.

Германия компанияси вакилларига Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг салоҳияти, жумладан, маҳаллий тикувчилик ва трикотаж соҳаларининг замонавий ютуқлари ҳамда кластер тизимини ривожлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Учрашув давомида “Бахт текстиль” ва “Хажтекс кластер” корхоналари вакиллари “S.Oliver Bernd Freier GmbH&Co.KG” ходимлари билан бизнес музокаралар ўтказди. Мулоқот давомида Ўзбекистонда ушбу компания бренди остида маҳсулотларни тикиш учун ҳамкорлик ўрнатиш ва буюртмаларни жойлаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Германия вакиллари Ўзбекистонда тўқимачилик саноатида амалга оширилаётган ислохотлар ва мамлакат иқтисодий эркинлаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирларни юқори баҳолади. Ўзбек пахта саноати халқаро бейкотнинг бекор қилиниши ва мамлакатда бизнес юритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар Германия, шу жумладан, Европа компаниялари учун Ўзбекистонни ўз ишлаб чиқариш линияларини жойлаштиришнинг истиқболли бозори, деб билиши учун катта имкониятлар очиб бериши таъкидланди.



Биз Фарғонадан катта натижалар кутамиз. Бу эл тарихдан илмфан, маданият, хунармандлик бўйича намуна бўлган. Фарғоналиклар меҳнатсевар, ишбилармон. Бу салоҳиятни, ички имкониятларимизни тўлиқ йўлга қўйиб, халқимизни рози қилиш керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИЧА ТАФАККУР ВА ДУНЁҚАРАШ — ИСЛОХОТЛАР ДРАЙВЕРИ

Эзгу фазилатли халқимиз кейинги йилларда янги давр, янги замон — янги Ўзбекистон доволарини қатъий ишонч, аниқ режа-мақсад, узокни кўзлаган юксак ақл-идрок билан забт этиб келаётганини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти мисолида яққол ҳис қилапти.

Янгилаётган Фарғона тимсолида ҳам улугворлик билан бирга, мухташамлик мужассам. Бир пайтлар торгина йўлақларда чинор барги хазонларини кўришга кўниб кетган кўзлар бугун яратувчанлик ва бунёдкорликнинг ёруғ изларини кўриб, мазкур жараённинг шунчаки кузатувчиси эмас, балки фаоли ва фидойиси бўлишга интиляпти.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Биз яшаб турган олам ободлиги ақлу заковат, тафаккур маҳсули бўлса, ҳамюртларимизнинг ҳамжиҳатлиги, меҳр-оқибати ажодлардан мерос маънавиятимиз ҳосиласидир. Зотан, олам чиройини хулқи гўзал, серкирра фазилатли эл яратади. Фарғоналиклар ана шундай сифатлар соҳибидир...

Бундай ўзгаришлар, эзгу фазилатлар давлат раҳбари томонидан эътироф этилиши вилоят аҳлига ўзгача кайфият бағишлайди. Фарғона вилоятига ташрифини Олтириқ туманидан бошлаган Президентимиз Қапчугай қир-адирларида қисқа фурсатда барпо қилинган минг гектарлик узузморда туман аҳли, фарғоналик

деҳқонлар ва кластер раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Ижодкорлар таъбирича, водийда, ҳатто тошлар ҳам гуллайди. Яқингача ҳам қуш қаноти, одам юрса оёғи қуяди, деган иборатда мазкур худудда инсон меҳнати, ақл-заковати туфайли мўъжиза яратилди.

— Фарғона қишлоқ хўжалигида катта натижаларга эришяпти, одамларнинг дунёқараши ўзгаришти, деҳқонлар экспортга чиқяпти. Лекин кечаги натижа бугунга тўғри келмайди. Доим изланишда, ҳарқатда бўлишимиз керак. Мана, салгина шароит яратилгани учун шунча жой боғ бўлди. Ҳали ички имкониятларимиз жуда кўп, — деди Юртбошимиз.



ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Бугунги глобаллашув ҳамда кескин рақобат замонида мамлакатимиз келажаги бўлиши ёшларнинг таълим-тарбияси ҳамда уларнинг пухта билим ва касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратиш каби вазифалар ҳар доимгидан-да муҳимдир. Ўтган йиллар давомида давлатимиз томонидан таълимга юксак аҳамият берилган, айниқса, қувонарли.

Таълим

Яқинда Президентимиз раислигида халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш соҳада амалга оширилаётган сазй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Унда инсон капитални ривожлантириш — Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги етти устувор йўналиш-

лардан бири эканлиги эътироф этилди. Қолаверса, ушбу тизимдаги устувор масалалар муҳокама қилиниб, кўплаб вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, мамлакатимиздаги юзлаб умумтаълим мактабларида таълим сифати, муаллимлар салоҳияти ҳамда ўқувчиларнинг олийгоҳларга кириш даражаси анча пастлиги, ўқувчиларга таълим бериш методикаси эскирганлиги,

замонавий таълим услубларини жорий қилиш бўйича ташаббуслар йўқлиги ва мактабларни компьютер билан таъминлаш бўйича маблағлар ажратилган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида ишлар сустиги йиғилиш аввалида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Таъкидлаш жоизки, янги Ўзбекистон ёшларини давр талабига мос шаклда тарбиялаш ва улар келажаги учун улкан замин яратиш учун юқоридаги каби муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ўта муҳимдир.

Сифат юқори даражада бўлмаса...

Давлатимиз раҳбари бўлиб ўтган йиғилишда мактаб ўқитувчиларини янги

методика асосида қайта тайёрлаш бўйича умуммиллий лойиҳа бошланишини эълон қилгани барчамиз учун муҳим янгилик бўлди. Мактаблардаги барча синф ўқитувчилари келгуси 3-4 йилда янги методика асосида ўқитилиши учун малака ошириш марказлари негизда педагогларни янги методикаларга ўргатувчи миллий таълим марказлари ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Мазкур тизимда фаолият юритаётган ходим сифатида шуни айтишим мумкинки, шу кунга қадар юртимиздаги кўплаб мактабларда таълим сифатининг юқори даражада эмаслиги ҳамда ўқув шароитлари замон талабларига жавоб бермаслиги биз учун оғриқли нуқта бўлиб келаётган эди.



ЯНГИЧА ТАФАККУР ВА ДУНЁҚАРАШ – ИСЛОҲОТЛАР ДРАЙВЕРИ

Оптириқда ер билан тиллашиш борасида навқирон авлод вакиллари Исақжон Бойматов, Хасанжон Гофуров, Нуриддин Алиқуллов сингари кўплаб ёшлар бу нақадар ҳаётий

Мамлакатимизда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ёғоч ўймақорлиги мактаби аъёнлари қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Уста Қодиржон Ҳайдаров асос солган Қўқон

маданий обидалар, шу жойларни бунёд этган қўлигул устлар кўп. Бувайдигиллар ота-боболар қадриятини янги кўз билан кўрапти, аклли ёндашув билан давом эттиряпти. Шу боис тумандаги ҳар бир маҳаллада ихтисослашув, ҳаётий тажриба, шунга яраша даромад бор. Хунармандлар ҳам аввалгидек туну кун қора терга ботиб ишлаётгани йўқ, Ишнинг қийини техникалар, дастгоҳлар зиммасига юклаган. — Гапнинг очиги, Президентимиз билан бўлган самимий сўхбатдан халигача ҳайратдамиз, — дейди тумanning Беглар маҳалласида яшовчи хунарманд Санжар Турсунов. — Юртбошимиз шахсан менга ўз мебелларим, эшик-ролларим брендини яратиш бўйича зўр ғоя берди. Хитойда кўриб келиб, шу ҳақда ўйлаб юргандим.

Ирода Содикова давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига аввалги таширларига чоғида Президентга ҳудудда замонавий мажмуа қуриб бериш таклифи билан чиққан эди. Бобобшбекда қисқа фурсатда 15 гектар ерда кўп қаватли бинолар қад ростлади. Бу ерда 316 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та завод дўкони, 560 та завод растаси қуриб битказилди. Шунингдек, 2 та логистика маркази ташкил этилди. — Президентимизнинг қўллаб-қувватлашдан руҳланиб, “В” бренди остида маҳсулотларимиздан илк намуналар МДХ, ОСИё ва Европа қитъаси давлатларига жўнатилди, — дейди маҳалланинг қўли ва қалби гул чевари Ҳамидаҳон Акбарова. — Россиянинг бир неча машҳур савдо тармоқлари табиий, экологик жиҳатдан тоза

моқ истиқболдан далолат беради. Давлатимиз раҳбари вилоятдаги пахта-тўқимачилик кластерларининг энг йириги — “Fergana Global textile” иш жараёни билан танишди. — Бу янги авлод корхонаси, — дейди “Global textile infinity” МЧЖ таъсисчиси Музафар Раззоқов. — Германияда ўқиб, ишлаб юртимизда шундай саноат корхонаси қуришни орзу қилгандим. Орзум рўёбга чиқатганидан мамнунман. Корхонада йилга 18 миллион метр юқори сифатли мато ҳамда 2 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Марғилон шаҳрида азалдан тadbirkorлик, хунармандчилик ривожланган. Кўҳна кентнинг Наврўз маҳалласида ташкил этилган Ёшлар саноат ва тadbirkorлик зонасидаги янги корхоналарда баркамол авлод вакиллари, хотин-қизлар учун мингдан зиёд доимий иш ўринлари яратилди. Tadbirkor Равшанбек Собиров давлат раҳбари билан учрашувдан катта мотивация олгани, “Маррани каттароқ олинглар, ёнларингиз мен — Президент турибди” деган сўзи уни янги-янги ғояларни амалга оширишга рағбатлантирганини таъкидлайди.

бўйича ўтказилган йиғилишда давлат раҳбари 2021 йили вилоятда 10 мингдан кўпроқ кичик корхоналар ташкил этилгани, экспорт ҳажми 801 миллион долларга етганини мамнуният билан таъкидлаб ўтди, — дейди халқ депутати вилоят Кенгаши депутаты Шерзод Каримов. — Бу йилги марра янада юқори олинган: 2022 йил якуни билан вилоятда экспорт, хорижий инвестициялар жалб этиш ҳажми 1 миллиард долларга етказиш кўзда тутиляпти. Маҳаллий бюджетда 1 триллион сўм қолиши кўтиляётган бўлиб, бу одамларга муносиб шарт-шароит яратиш, тadbirkorлик инфратузилмасини янада яхшилаш имконини беради.

2022-2023 йилларда вилоятда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигида умумий қиймати 31 триллион сўм бўлган 1 минг 268 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Кимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик, электротехника, чарм, фармацевтика тармоқлари ривожланиш драйвери бўлади.

Юртбошимиз ҳар гал Фарғонага ташриф буюрганда, каттаю кичкинчи бунёдкорлик ишларига даъват этади, бугунги кунга тийрак нигоҳ ташлашга, келажакка умид ва ишонч билан қарашга ундайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Демак, вилоятда ўзгаришлар, янгиланишлар давом этади. Уларнинг самараси, албатта, халқни рози қилиш, инсон қадрини юксалтиришдек, эзгу мақсадлар рўёбига ўз ифодасини топади.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»)



ҳақиқат эканлигини кейинги йилларда эришяётган ютуқлари мисолида исботлашяпти. Улардан мотивация олаётган юзлаб, минглаб йигит-қизлар деҳқончиликка инновация, илм-фан, тadbirkorликни кенг жорий этишмоқда.

Янги узумзорга ёндош ҳудудда “Nurt Fruit” фермер хўжалиги раҳбари Нуриддин Алиқуллов 2,5 минг тонна сизимга эга мева-сабзавот сақлашга мўлжалланган музлаткичи омборхона қурган. Фермер хўжалиги тасарруфиди 50 га яқин замонавий юк ташиш машиналари йилнинг тўрт фаслида ҳам Олтиариқ узуми ва бошқа мева-сабзавотларни турли ўлкаларга ташийди. Ўтган йили ёш тadbirkor 3,5 млн. АҚШ доллари ҳажмида экспортни амалга оширди. Бу йилги режа 5 млн. доллар!

— Узум Олтиариқнинг “ташир қоғози”, бренди, — дейди Хасанжон Гофуров. — Мисол учун хонадонимизда кейинги йилнинг баҳоригача узумни тоқдан узмай сақлаймиз. Туманда узумни табиий усулда узок сақлаш ҳадисини олган биз каби оилалар жуда кўпчилиги ташкил этади. Айтايлик, қузда бир кило узум ўртача 10 — 15 минг сўм бўлса, баҳорда унинг нархи уч-тўрт баробар юқори бўлади.

Туманимизнинг фаҳри Анвар Обиджон бодиринг пишганда бутун Ўзбекистон Олтиариққа қаради, дея бир ҳажвия ёзганди. Энди бутун дунё Олтиариқ узумига кўз тикиб турибди, десак, муболага эмас...

мактаби исломий нақшлари, санъат асари даражасидаги бетакорр жилолари билан машҳур. Ўзбекистон халқ устаси, Фурқат туманидаги “Уста Юсуфжон нақшош” оилавий корхонаси раҳбари Муҳаммадали Юнусов мактаб аъёнларини муносиб давом эттиряётган устазода. Устани йўқлаб борсангиз, бу гажум масканда хунармандлар сайлига тушиб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни.

Бошида қалампирхўша Марғилон дўғли, эғнидаги яктаги табаррук ёшига ўзгача салобат бағишлаган мезбон дастурхонга янги узилган ўрик, гилос қўяди.

— Узимизнинг боғдан, — дейди уста елкасидаги қийғи билан терини артиб, нақшинкор сўрига омонатгина чўккалаб. — Ёшликда мутлақо шахсий мулким деб ўйлаган сочлар, йигитлик гайрати, соғлом оёқлар, барчаси секин-аста бизни тарк этиб кетаверар экан...

Аммо ўша гап, ваъда битта: Президентга бундан буён камда беш мингта шоғирд тайёрлашга, корхона қошида мактаб ташкил этишга берилган сўз Яратган эгам умр, сиҳатлик берса, албатта, тўлик бажарилади. Буни қаранг, илгари битта нақш устида баъзан ҳафталаб кўз нуриминини тўқардик, бугун бизнинг ишимизга ҳам инновация кириб келди. Янги дастгоҳ ва ускуналар машаққатли меҳнатимизни осон қилмоқда. Бувайда туманида тарихий зиёратгоҳ,




Туманимизда янги қуриб битказилган хунармандлар мажмуасида менга ажратилган жойда биринчи ўринда 10 та янги иш ўрни яратиш, маҳсулотларимизни ўз ёрлиғини билан чиқаришга ҳаракат қиламан.

Бобобшбек Учқўприк туманининг жаҳон бозорига чиқатган маҳалласидир. Фарғоналиклар ҳазиломуз оҳангда “Бобобшбек — Фарғонанинг Хитойи” дейишади. Ҳақиқатан ҳам, беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи маҳаллада деярли ҳар бир оила тadbirkor, кўчалар доим савдо расталари, юк машиналари, харидорлар билан гажжум. 6 сотихли хонадонининг 1,5 сотихида трикотаж цехини жойлаштириб, 30 та иш ўрни яратган ёш тadbirkor

болалар, аёллар кийим-кечақларига катта қизиқиш билдирди. Хитой, Жанубий Корея бозорларидаги талаб ва таклифни ўрнинчи мақсадда маркетинг ишлари олиб боришмоқда.

Бундан буён тор, диққинафас уйларида ишлаш азобидан қутулдик. Кенг, покиза ва ораста жойда яшаган, ишлаётган одамнинг феъли, ҳаётга муносабати ҳам шунга яраша бўлади. Янги мажмуада эркин, яйраб-ййраб ишлаймиз.

Айни пайтда вилоятда 12 та пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият кўрсатмоқда. Жанубий Корея корпорацияси Ёёвон туманида пахта-тўқимачилик кластери ва ишлаб чиқариш корхоналари учун инвестиция киритишни режалаштиряётгани тар-



«ТИНГЛАШ ВА ЁЗИБ ОЛИШ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ»

Қашқадарё вилояти ҳоқими Муротжон Азимов Деҳқонobod туманида ўтказган сайёр қабулда раҳбарлар ва халқ ўртасида кечаётган юзма-юз мулоқотларда “раҳбар келдимиз, келди, мурожаатчиларни эшитиб, ёзиб олдимиз, ёзиб олди” қабилида иш тутиш ҳеч қандай самара бермаслиги ҳақида гапирди. Ахир аҳолини қийнаб келаятган ўқир муаммолар ҳал этилсагина, натижа кўринади.

Халқ билан мулоқот

— Сайёр қабулда ёзиб олиб, уни ҳал этиш учун тумандаги мутасаддига хат юбориш билан иш битмайди — деди М. Азимов. — Ҳар бир масалага вилоят даражасида ечим топилиши керак. Бугун Деҳқонobodга барча соҳа раҳбарлари билан келдик. Қишлоқ одамларини қийнаётган масалалар очик айтилади ва уни бартараф этишнинг энг тўғри йўли бирдамлик ҳамда одилона сиёсатдир. Президентимиз ҳар бир соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини мукамал белгилаб берган, биздан фақат ҳаракат ва ташаббус бўлса, бас. Сайёр қабул доирасида касб-хунар курсларини таомлаган ва ишсиз бўлган 15 нафар хотин-қизга тикув машиналари, 4 нафар кишига сув насослари, ёшлар учун турли анжомлар ва ногиронлиги бор фуқароларга махсус аравачалар тарқатилди. Шунингдек, Хоразм вилоятига 3 кунлик саяҳат учун 50 донна йўлланма тақдим

этилди. Сайёр қабулда бандлик, йўл носозлиги, кредит олишдаги муаммолар ва ичимлик суви каби масалалар борасида кўпроқ мурожаатлар бўлди. — Тўрт фарзандимни ёлғиз аёл бошим билан катта қилишим осон бўлмапти, — дейди Шарофат Бердиева. — Сайёр қабулда менга янги тикув машинаси берилганидан жуда хурсандман. Яқиндагина тикувчилик йўналиши бўйича ўқув курсини тугатиб, чеварлик сир-асрорларини ўрганган эдим. Энди ўзимнинг тикув машинамага эга бўлдим. Насиб этса, чеварлик ортидан даромад топаман. Келгусида тadbirkor сифатида ўзимнинг тикувчилик цехимни очиб орозим ҳам бор. Шу кун сайёр қабулда Қашқадарё вилояти прокурори Эркабой Тажиев ҳамда вилоят суди раиси Абдуқадир Маҳмадов ҳам туман аҳолининг суд ва ҳуқуқ соҳасидаги мурожаатларини ўрганди.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»)

НАМАНГАН ГҮЛЛАР БАЙРАМИГА ТАЙЁР

Наманган шаҳрида жорий йилнинг 22 май куни тантанали равишда очиладиган 61-халқаро гуллар фестивалига тайёргарлик якунловчи босқичга кирди. Байрамнинг асосий тadbirkorлари ўтадиган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳозирданок жозибадор кўриниш олган.

Жараён

Бу ерда корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 200 дан зиёд кўргазмалар ташкил этилмоқда. Уларнинг ҳар бири Наманган ахлининг яратувчанлик иштиёқи, ҳудудлар ободлиги, ишлаб чиқариш, таълим ва бошқа соҳаларда эришилаётган муваффақиятларини намойиш этувчи манзараларни аксантирган.

Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси жамоасига ажратилган майдондаги кўргазма эътиборни тортади. Электр энергияси таъминоти соҳасининг рамзи шакллантирилган ҳудудга 20 минг туп гул ўтказилди. Умуман олганда, боққа ўтказилаётган ўн миллион тупга яқин турфа гулу чечаклар икки ҳафталик анжуманга ташриф буюриши ку-



тиляётган 1,5 миллионга яқин нафосат ошуфталарига олам-олам завқ тўхфа этиши табиий. — Фестиваль миллий санъатимиз ва

маданиятимиз тарғиботига йўналтирилган концерт ҳамда томошалар билан янада мазмунли кечади, — дейди Наманган вилояти ҳоқимлиги ахборот хизмати раҳбари Фарход Мамадалиев. — Масалан, боғдаги “Наво” ёзги концерт залида Ўзбекистон халқ артисти Камолитдин Раҳимов хотирасига бағишлаб ўтказилган “Камолитдин издошлари” республика кўрик-танлови кўпчиликини бефарқ қолдирмайдиган тadbirkorлардан бири бўлади.

Боғнинг нафақат кундузи қиёфаси, балки тунда ҳам атрафини чаргонлаштириб, турфа гўзаллик таратаётган мафтункор ёғдулари кўзларни қувонтиради.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»)

GERMANYA BOZORI ЎЗБЕК ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ УЧУН ОЧИЛМОҚДА

Энг муҳими, бунинг учун барча зарур шартлар мавжуд. Малакали ёш кадрлар, юқори сифатли хом ашё ва ишлаб чиқариш харажатларининг нисбатан арзонлиги, халқаро инвесторларга давлат томонидан тақдим этилаётган солиқ ва бошқа имтиёзлар устунлик бермоқда.

Учрашув якунида томонлар бизнес ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, Германия компаниясининг пудратчиларга бўлган талаблари, уларнинг иш шароитларини тахлил

қилди. Томонлар ўзаро манфаатли шерикликни ўрнатилиш бўйича аниқ таклифларни тайёрлаш бўйича келишувга эришди.

Ўзбекистон делегациясининг, шунингдек, Германиянинг бошқа ййрик компаниялари ва чакана савдо тармоғи менежерлари билан учрашувлар ўтказилиши, етакчи тўқимачилик саноати машиналари ишлаб чиқарувчилари фаолияти билан танишуви ҳам режалаштирилган.

«Дунё» АА. Берлин

КОНИГИЛ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ САЙЁҲЛИК МАНЗИЛИ

Қизиқиш, ҳайратлар эндиликда Конигилда фақат қоғоз ишлаб чиқариш жараёни билангина тўхтаб қолмайдиган бўлди. Конигилнинг нақ ўртасидан оқиб ўтувчи Оби Раҳмат ариги бўйлаб ўзига хос туризм қишлоғи намунасини ташкил қилиш ғояси Самарқанд вилояти туризм божқармаси томонидан илгари сурилган бўлса, вилоят ҳоқимлиги мажмуа ташаббусини қўллаб-қувватлаб, маблағ ажратди. Натижада ўтган йили мамлакатимизда илк бор ўзига хос услубдаги туризм маскани фойдаланишга топширилди ва сайёҳлар эътиборини тортиб келмоқда.

Оби Раҳмат бўйлаб қурилган йўлакчалар, қадимийлик ва замонавийлик уйғунлашган айвонлар ён-атрофдаги уйлар билан бир бутунлик касб этган. Ариқ ёқалаб борар экансиз, қоғоз ишлаб чиқариш бйноси ёнидаги каби яна бир тегиримонга дуч келасиз. Бу тегиримоннинг вазифаси бошқачароқ: у ёр қириши учун махсус тошни айлантиради. Электрсиз, фақат сув ҳаракати билан ишлайдиган тегиримонда зигир, кунжут, чигитдан ёб олиш мумкин. Кейинги тегиримон эса буғдойини унга, ундан кейингиси эса шолини гурунча айлантиради.

эшитилаётган тақ-туқ, қушлар чуғури, яқин атрофда тандир ёки ўчоққа қаланамагун ўтин хиди қоришиқ ажиб бир мухит сизни бугунги рақамлашган дунёдан бир муддат узоклаштиради. — Тўғри, бу гурунчалар бозорлардаги сингари чиройли кўринишга эга эмасдир, аммо унинг таъми электр ускуналари ёрдамида тозаланган гурунчиқидан фарқ қилади, — дейди шולי тозалаш билан банд Наим Жамолов. — Қишлоғимиз аҳолиси азал-азалдан шולי экиш билан шуғулланади. Об-хавоси, табиати, сув бўйида жойлашгани учун шולי етиштириш қўлай. Билсангиз, бошқа вилоятлардан Конигил гурунчини излаб келадиганлар кўп.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Конигил туризм қишлоғи бўйлаб саяҳатни давом эттирар экансиз, сандиксоз, заргар, новвой ва бошқа кўплаб хунармандларнинг уйларига дуч келасиз. Дарвоқе, ушбу уйлар сиз ўйлагандек, замонавий ишоотлар эмас, оддий қишлоқ уйлари. 20 та оилавий уй меҳмонхоналари, 15 дан зиёд хунармандчилик устaxonалари, дўконлар, миллий овқатланиш нуқталари, новвойхона, томорқа хўжалиқлари ҳам айнан Конигил туризм қишлоғи кўрмига кўрк қўлиб турибди. Самарқанд вилояти туризмни ривожлантириш департаменти маълумотларига кўра, бу ерда иккинчи

ва учинчи босқич ишлари амалга оширилиши ҳам режалаштирилган. Хусусан, Сиёб ариги бўйлаб 2,2 км., Оби Раҳмат ариги бўйлаб 1,3 км., жами 3,5 км. узунликда янги йўналиш ташкил этилиб, унинг умумий майдони 7,1 гектарни ташкил қилади. Ушбу босқичда юздан ортиқ туристик объектлар очилади (меҳмонхоналар, хунармандчилик устaxonалари, сувенир дўконлари, овқатланиш нуқталари, кўнгличлар масканлар ва хоказо). Мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, бу қурилиш ишлари



натижасида Конигилнинг бир томони Чўпонота масканига, яна бир томони Самарқандда қуриляётган “Абадий шаҳар” туристик марказига уланиб кетади. Қисқаса, бугун Конигил чин маънода туристик қишлоққа айланиб бўлган. Бу ерда сайёҳлар хордик чиқариши, халқ амалий санъатини зақ олиши, миллий урф-одатлар ва аъёнлар билан танишиши, асрлар оша

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»)

XALQ TA'LIMI, MAKTABGACHA TA'LIM HUDUDIY BOSHQARUV ORGANLARI, TA'LIM MUASSASALARI, KORXONA VA TASHKIOTLAR RAHBARLARI DIQQATIGA!

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

2021/2022-o'quv yili bitiruvchilarini ta'lim muassasalari, korxonaga va tashkilotlarga ishga tavsiya etish va taqsimlash jarayoni boshlanganligini ma'lum qiladi.

Universitetni bakalavriat ta'lim yo'nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo'yicha tamomlayotgan yosh mutaxassislar hozirgi kunda pedagogik kasbiga va o'z ta'lim yo'nalishi bo'yicha qo'yilayotgan kasbiy talablarga to'liq javob beradi, zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish malakasiga ega, ta'lim bozorida raqobatbardosh kadrlardir.

Quyida 2021/2022-o'quv yilida universitetni mavjud ta'lim yo'nalishlari va mutaxassisliklari bo'yicha davlat granti hamda to'lov-shartnoma asosida bitirayotgan talabalar haqidagi ma'lumotlar viloyatlar kesimida berilgan. BDU rahbariyati respublikamizdagi davlat ta'lim muassasalari, korxonaga va tashkilotlar, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'yektlaridan mavjud vakant ish o'rinlari haqida ma'lumot berishlarini so'raydi.

Bitiruvchilar va ularga buyurtma (talabnoma) berish bo'yicha ma'lumotlarni universitetning Marketing va talabalar amaliyoti bo'limidan, shuningdek, www.buxdu.uz internet sahifasidan olishingiz mumkin. Yuqori malakali pedagog kadrlar tayyorlash va ular bandligini ta'minlashdagi doimiy hamkorlik uchun oldindan minnatdorchiлик bildiramiz.

Buxoro davlat universitetining bakalavriat ta'lim yo'nalishlari bo'yicha 2021/2022-o'quv yilidagi bitiruvchilari to'g'risida ma'lumot

№	Ta'lim yo'nalishlari (bakalavriat)			Jami	Shu jumladan, viloyatlar bo'yicha																	Buxoro viloyati shahar va tumanlari bo'yicha												
	Shifri	Nomi	3		Toshkent viloyati	Qoraqalpog'iston Respublikasi	Toshkent shahri	Navoiy	Samarqand	Xorazm	Sursatdaryo	Qashqadaryo	Andijon	Farg'ona	Namangan	Jizzax	Turkmaniston Respublikasi	Buxoro shahri	Buxoro tumani	Vobkent tumani	G'ijduvon tumani	Jondor tumani	Kogon tumani	Kogon shahri	Qorako'l tumani	Qorovulbozor tumani	Olot tumani	Peshku tumani	Romitan tumani	Shofirkon tumani				
					5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30				
1	5140100	Biologiya (turlari bo'yicha)	3386	2	1	8	106	11	15	10	35	3	6	1	2	216	657	262	269	280	281	126	81	199	21	90	234	199	271					
2	5410500	Qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi (mahsulotlar turlari bo'yicha)	37				1										5	4	3	10	2			1	1	1	2	5	2					
3	5141000	Tuproqshunoslik	42				1										4	8	4	2	3		1	4		1	4	7	3					
4	5130200	Amaliy matematika va informatika	84				2				1						10	6	9	7	8	1	3	9	1	2	3	2	5					
5	5330200	Kompyuter ilmlari va dasturlash texnologiyalari (yo'nalishlar bo'yicha)	27				3		1						1		2	2	2		5	1	1	2	1		3	3						
6	5111018	Kasb ta'limi: informatika va axborot texnologiyalari	46				2		1		1						2	3	3	4	7	2		6	1	1	6	5	2					
7	5120102	Filologiya va tillarni o'qitish (rus tili)	90														52	3	6	6	3	1	3	1			2	3	4	4				
8	5120101	Filologiya va tillarni o'qitish (o'zbek tili)	171				5				1						10	9	20	21	21	12	5	16		5	11	13	22					
9	5111300	Ona tili va adabiyoti (rus tili va adabiyoti o'zga tili guruhlarida)	162				9						1				3	6	18	8	40	3	2	16		5	18	14	19					
10	5140200	Fizika	126				3		1	1	3					3	15	16	8	16	11	7	2	13	2	7	7	11						
11	5130100	Matematika	148				4				2					6	26	10	15	8	13	9	5	10		5	11	10	13					
12	5111500	Chaqiriqgacha harbiy ta'lim	99			1	12		3	5	7	2				10	7	6	5	9			1	8	3	14	1	4						
13	5230100	Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	50				2				1					2	10	1	7	8	7	4	1	2			2	2	1					
14	5610200	Mehmonxonaga xo'jaligini tashkil etish va boshqarish	67	1			3		1							30	8	5	3	2	3					1	4	6						
15	5610300	Turizm (faoliyat yo'nalishlari bo'yicha)	40				3		1		1					21	4	2	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1					
16	5610100	Xizmatlar sohasi (faoliyat turlari va yo'nalishlari bo'yicha)	40				1	2	1							20	3		2	2	1	2					2	1	3					
17	5112000	Jismoniy madaniyat	193			1	1							1	21	54	14	18	3	21	7	4	4			5	13	12	10					
18	5112001	Jismoniy madaniyat (xotin-qizlar sporti)	55				1		1		1					14		2	4	10	1			6	1	4	5	2	4					
19	5111700	Boshlang'ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish	275	1			1	5			3				27	47	16	21	25	15	6	8	14	2	11	18	21	34						
20	5111800	Maktabgacha ta'lim	233				1	2	1		2		2			35	23	24	18	13	12	7	18	1	5	17	20	32						
21	5112100	Mehnat ta'limi	44				1									5	3	6	6	1	3	1	5		2	2	5	4						
22	5110900	Pedagogika va psixologiya	74				3								1	20	6	3	7	3	3	1	6	1	6	7	2	5						
23	5210200	Psixologiya (faoliyat turlari bo'yicha)	69				3		3							22	4	6	1	6	5	3	1		1	10	2	4						
24	5111100	Musiqqa ta'limi	105				1	3	1	2			1			15	14	7	14	13	6	6	6			6	6	2	2					
25	5110800	Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi	52				1									22	4	2	2	4	3		1	1		4	2	6						
26	5630100	Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	39				2				1					2	2	3	3	1	3	4	1	2		5	4	5	1					
27	5140600	Geografiya	44				2				1		1			15	1	4	1	5	1		6		1	1	1	5						
28	5140500	Kimyo	135				3	2			7					10	18	4	18	8	6	2	9	1	6	7	7	9						
29	5120400	Arxeologiya	25				1									1	1	3	4	3	2	1				4	2	3						
30	5111600	Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi	86				3						1			12	6	5	14	9	3	2	4	1	2	7	7	10						
31	5120300	Tarix (mamlakatlar va mintaqalar bo'yicha)	84				2			1	1					13	14	9	6	10	9	2	6		3	2	3	3						
32	5121000	Tarix. Buxoro tarixi	29				2									5	4	4	1	3	4	1				2	2	1						
33	5120113	Filologiya va tillarni o'qitish (nemis tili)	25				2									10		4	1	1	1					2	2	1						
34	5120114	Filologiya va tillarni o'qitish (fransuz tili)	29				1									1	3	2	2	15	1		2			1		1						
35	5120112	Filologiya va tillarni o'qitish (ingliz tili)	156				1	4		1						37	48	13	6	10		5	6	8		7	2	8						
36	5611501	Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati (ingliz tili)	27				1		1		1		1			6	2	3	2	2	2		1	1		2	1	3						
37	5111400	Xorijiy til va adabiyoti (ingliz tili)	232				7		1		1					24	63	19	22	8	14	3	9	5	1	3	16	18	18					

Buxoro davlat universitetining magistratura mutaxassisliklari bo'yicha 2021/2022-o'quv yilidagi bitiruvchilari to'g'risida ma'lumot

№	Ta'lim yo'nalishlari (bakalavriat)			Jami	Shu jumladan, viloyatlar bo'yicha																	Buxoro viloyati shahar va tumanlari bo'yicha												
	Shifri	Nomi	3		Toshkent viloyati	Qoraqalpog'iston Respublikasi	Toshkent shahri	Navoiy	Samarqand	Xorazm	Sursatdaryo	Qashqadaryo	Andijon	Farg'ona	Namangan	Jizzax	Turkmaniston Respublikasi	Buxoro shahri	Buxoro tumani	Vobkent tumani	G'ijduvon tumani	Jondor tumani	Kogon tumani	Kogon shahri	Qorako'l tumani	Qorovulbozor tumani	Olot tumani	Peshku tumani	Romitan tumani	Shofirkon tumani				
					5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30				
1		JAMI:	490	0	0	3	7	1	0	1	3	0	0	0	1	0	170	49	34	43	30	21	18	26	2	9	12	23	37					
1	5A120101	Adabiyotshunoslik: ingliz adabiyoti	23														13	1	1		1	2	2			1		2						
2	5A120101	Adabiyotshunoslik: o'zbek adabiyoti	11														2	1	1		2					1	2	1	1					
3	5A120101	Adabiyotshunoslik: rus adabiyoti	10														4	4		1								1						
4	5A130201	Amaliy matematika (sohalar bo'yicha)	15														3	1	2	3		1	1				2	1	1					
5	5A140101	Biologiya (fan yo'nalishi bo'yicha)	20											1			9	1	1	3	2	2						1						
6	5A120402	Etnografiya, etnologiya va antropologiya	12														4	1			4	1							2					
7	5A140202	Fizika (yo'nalishlar bo'yicha)	23								1						4	1	2	3	2	2		3		1	2	2	2					
8	5A140602	Geografiya (o'rganish ob'ekti bo'yicha)	10														2	3	1					1				2	1					
9	5A230102	Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	18				1										11				1	4							1					
10	5A112001	Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari nazariyasi va metodikasi	18					2									8	2	2	1	1		1					1						
11	5A140501	Kimyo (fan yo'nalishi bo'yicha)	27														8	4	1	6	1	1	1	1			1		3					
12	5A330101	Kompyuter ilmlari va dasturlash texnologiyalari (yo'nalishlar bo'yicha)	9														2	1	1	2			1	1		1								
13	5A120102	Lingvistika (ingliz tili)	24				1	1		1							13	3	1	1		1	1						1					
14	5A120102	Lingvistika (o'zbek tili)	18								1						3	1	2	3	2	2					1		1					
15	5A120102	Lingvistika: fransuz tili	7														3	2	1															
16	5A120102	Lingvistika: rus tili	22				1										8	2			2		2				2	5						
17	5A130101	Matematika (yo'nalishlar bo'yicha)	26														5	3	1	1	2			4		1	1	2	6					
18	5A120104	Matshunoslik va adabiy manbashunoslik	12														4		1	4						1			2					
19	5A111101	Musiqqa ta'limi va san'at	10		</																													

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Тошкент шаҳридаги АҚШнинг Вебстер университети таълим дастурларини амалга ошириш маркази Ватанимиз келажаги бўлиши ёшларимиз таълим олиши ва фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлиб, келажақда етук кадр бўлиб етишишлари учун юқори малакали ўқитувчи ҳамда мураббийларни тайёрлаш борасида аллақачон илк кадамини ташлаган, десак, муболаға бўлмайди.

Утган йили олийгоҳимизда ташкил этилган бир йиллик "Таълим ва инновациялар" (MA EDIN) дастури фикримиз исботидир. Ушбу магистратура дастури соҳада ўз билим ва ижодий қобилиятларини янада ривожлантириш ҳамда энг сўнгги ҳамда самарали таълим методикаларини жаҳон тажрибаси асосида ўрганишни истаган ўқитувчи ва мураббийлар учун махсус мўлжалланган.

Дастур "Яратувчанлик ва инновациялар", "Тафаккур дизайнини яратиш", "Инновацион таълимда мультимедиа-нинг ўрни" каби фанларни ўз ичига олади. Ушбу дастурга қабул жараёнилари шу йилнинг ўзида беш марта амалга оширилиши режалаштирилмоқ-

да. Дарс машғулотлари АҚШ, Австралия, Ҳиндистон каби мамлакатлардан ташриф буюрган хорижий, шунингдек, малакали маҳаллий профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилди.

Фан-техниканинг сўнгги ютуқларидан хабардорлик

Ёшларнинг пухта таълим олиши ва фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлиб, келажақда етук кадр бўлиб етишишлари ҳар бир юрт фуқароси учун гоят муҳим масаладир.

Олийгоҳимиз томонидан тақлиф этилаётган "Таълим ва инновациялар" (MA EDIN) дастури Президентимиз томонидан таъкидлаб ўтилган педагоглардан янги методикалар асосида қайта тайёрлаш лойиҳасида муҳим ўрин тутди.

Инсон капиталини ривожлантириш, маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани тубдан ислоҳ этиш таълим соҳасидаги истиқболли мақсадларга интеллектуал салоҳиятни сафарбар қилишга замин яратди.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкид-



Ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш зарурати

Барча соҳада бўлгани каби ўқув жараёнига ҳам халқаро таълим стандартларини жорий этиш низоҳатда долзарб масала. Чунки бусиз таълимда тараққиёт бўлмаслиги тайин.

Яна бир жиҳати шуки, ўқитувчиларнинг ижодий тафаккур ҳамда яратувчанлик қобилияти, замонавий муаммоларни кўриш билан бирга, уни ҳал қилиш, амалий ишларни илмий излашни билан уйғун олиб бориш фаолиятини рағбатлантириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этган ҳолда ўқитувчиларга ўз ўстида ишлаш ҳамда малака ошириш учун зарур шароитларни яратишни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Мазкур йўналишлардаги ислохотлар эса ёш авлод вакиллари шонли тарихимизда муносиб из қолдирган аждодларимизга муносиб авлод бўлишида ўзининг муносиб хиссасини қўшади, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз тараққиёти кафолати бўлмиш азму шижоатли ёшларнинг юқори билим ҳамда малакага эга, рақобатдош етук кадрлар бўлиб етишиши учун амалга оширилаётган барча янгиланишлар биз, соҳа ходимларига қўшимча куч ҳамда ғайрат бағишлайди. Айни чоғда зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Ана шу залварли вазифалар ижросида камарбаста бўлиш, сидқидилдан меҳнат қилиш фаолиятининг асосий мезони таълим-тарбия бўлган ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Расул РАҲМОНОВ,
Тошкент шаҳридаги Вебстер университети ижрочи директори.



ДУБАЙДАГИ КЎРГАЗМАДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЎЙҚАЛАМ СОҲИБЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Бош консулхонаси вакиллари Дубайдаги "Foundry Downtown Dubai" кўرғазма залларидан бирида "Andakulova Gallery" замонавий санъат галереяси томонидан уюштирилган "Марказий Осиё тамгалари" мавзусига бағишланган замонавий рангтаъсир усталари асарларининг кўрғазмасида катнашди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, "Andakulova Gallery" замонавий санъат галереяси юртдошимиз Наталья Андакулова томонидан таъсис этилган бўлиб, унда мумтоз намояндалар ва замонавийнинг рангтаъсир жўри вакиллари ҳамда моҳир мўйқалам соҳибларининг ижодий намуналари тақдим этилади.

Ушбу муассаса БАА ва хусусан, Дубай амирлигида истиқомат қиладиган хорижий фуқаролар ва кенг жамоатчилик вакилларига юртимиз маданияти, санъати, тарихи ва бой меросини намойиш этишга ихтисослаштирилган маданий майдондир.

Шуни таъкидлаш жоизки, юртдошимиз Н. Андакулованинг Ўзбекистон санъати ва маданиятини, ёш ижодкорлар, истеъдодли rassomlar ҳамда рангтаъсир усталарининг ижод намуналарини тарғиб қилиш йўлидаги хизматлари БАА маданият вакиллари томонидан муносиб қадрланмоқда. Хусусан, у ватандошларимиз орасида биринчи бўлиб БААнинг 10 йиллик "олтин визаси"ни қўлга киритди.

Мазкур кўрғазмада Марказий Осиё янги авлоди намояндаларидан бири — таниқли ўзбекистонлик rassom Саид Отабеков ва бошқа rassomларнинг асарлари санъат

ихтисомандларининг эътиборига ҳавола этилди.

Миллий маданият қадриятларимиз замонамиз муваффақиятлари билан уйғун тарзда чамбарчас боғланган ва янги гоғлар руҳини ўзига сингдирган ушбу асарлар муаллифларнинг асл ватани қиёфасини ўзида муҳассамлаган.

Кўрғазмининг очилиш маросимида "Andakulova Gallery" замонавий санъат галереяси вакиллари томонидан яқинда Ўзбекистоннинг замонавий рангтаъсир санъати намояндалари ҳақидаги туркум маърузалар тўплами БАА, хусусан, Дубай амирлигида доимий ва вақтинчалик яшовчи чет эллик фуқаролар ҳамда ўзбек диаспораси, қолаверса, Амирликнинг кенг жамоатчилиги вакиллари эътиборига ҳавола этилиши маълум қилинди.

Шунингдек, ўзбек миллий санъати ва маданий қадриятлари намуналарини БАА маданий доиралари орасида янада кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик изчил давом эттирилиши маълум қилинди.

Кўрғазма 16 июнга қадар давом этади.

«Дунё» АА.
Дубай

лаганидек, бизга замонавий илм ҳамда яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ҳамда эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий эълолар керак.

Миллий уйғониш ҳаракатининг том маънодаги раҳнамоси Абдулла Авлоний ўзининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарига қайд этганидек, "Таълим ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, ихкиси бирдан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабилур".

Шундай экан, биз нафақат ёшларимиз таълимига, балки тарбиясига ҳам алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Президентимиз томонидан мактабларда маънавий муҳитни тубдан яхшилаш бўйича янги концепция ишлаб чиқиш вазифаси қўйилганлиги, таълим муассасаларидаги маънавий тарғиботчиларига талабларни қайта кўриб чиқиш, бу вазифага маҳалла ва жамоада обрўси юқори инсонларни тайинлаш, намунали ўқувчи ва ота-оналарни рағбатлантириб бориш зарурлиги юртимиз келажаги бўлмиш ёшларимизнинг маънавий юксалишини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлигини кўрсатади.

Беш муҳим ташаббус

ҒАЛЛАОРОЛДА МАЪНАВИЯТ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тиббиёт коллежида беш муҳим ташаббус доирасида Маънавият фестивали бўлиб ўтди.

Унда туман ёшларининг ижод намуналари ва бадиий адабиётлар кўрғазмалари, шунингдек, фахрийлар ҳамда ёшлар ўртасида шахмат-шашка бўйича мусобақа уюштирилди. Тадбир сўнггида энг фаол ёшларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус навқирон авлод вакиллари оша Ватанга муҳаббат ва сadoқат руҳида тарбиялаш, дунёқарашини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, спорт ва китобхонлик тарғиботи каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Толибжон ЭРҒАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА БИРИНЧИ БАНКИ

Барча соҳанинг келиб чиқиши, шаклланиши ҳамда ривожланиши ижтимоий ва тарихий заруратга бориб тақалади. Шу маънода, Ўзбекистон банк ва молия тизими, унинг пайдо бўлиши, умуман, тарихи узoқ ўтмишга эга. Бирок айнан миллий банк-молия тизимимиз кўп тадқиқ этилмаган соҳалардан бири, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Молия муассасаларида

Архивларда сақланаётган тарихий ҳужжатлар Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда бугунгидек замонавий банк тизимига ўхшаш молия муассасалари тарихи Чор Россияси даврига бориб тақалишини кўрсатади, аслида, савдо-сотиқ ва пул билан боғлиқ муносабатлар қадим давлатчилигимиз билан бир пайтда пайдо бўлган.

Уша даврларда саррофлик касб сифатида тўла шакланган бўлиб, улар шаҳарларда ва бозорларда ажратилган маълум худудларда фаолият кўрсатишган. Хусусан, Бухорода саррофларнинг алоҳида маҳалласи бўлиб, уларнинг асосий иш жойи — Токи Саррафон деб номланган. "Сарроф" сўзи — араб тилида "пул алмаштирувчи", "йирик пуллари майдалаб берувчи" маъноларини англатади, уларнинг хизмат кўрсатиш кўлами анча кенг бўлган. Хусусан, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган шаҳару кентларимизда саррофлар ўзга юртлардан келган савдогарларнинг пуллари маҳаллий пулларга алмаштириб берган. Қиммат-

баҳо тошлар, олтин ва қумушнинг амалдаги қийматини белгилашда ҳам уларга мурожаат қилинган. Шунингдек, бу касб эгалари маълум бир ҳақ эвазига одамларнинг пуллари ва қимматбаҳо буюмларини ишончли сақлаб беришган.

Ҳали юқорида таъкидлаганимиздек, Чор Россияси Марказий Осиё худудини мустақлаққа айлантиришдан сўнг ўша пайтда иқтисодий муносабатларни тартибга солишда банкларга кучли эҳтиёж сезилди.

Шу ўринда архивларда сақланаётган тарихий ҳужжатларга таянган ҳолда юртимизда дастлабки банк ташкил этилиши билан боғлиқ воқеалар хронологиясига атрафлича тўхталсак.

1869 йилда Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори Константин Петрович Кауфман Россия империяси Давлат банкининг Тошкентдаги филиалини очиб бўйича Молия вазирлигининг махсус комиссиясига тақлиф киритди.

Икки йилдан сўнг, яъни 1971 йил 23 август кунини Россия империяси

дири бу ерда бўлмаган адабиётлари ҳам қаерлардандир топиб қўлимга тутқазарди. Мактаб-интернатда, қолаверса, мана шу кутубхонада ўқиб ўрганганларим менга жуда асқатди. Ҳозир Ўзбекистон Миллий университетининг инглиз тили филологияси факультетида тахсил оляпман. Кутубхонага келсак, у қаровга муҳтож. Кошкийди, замонавий бир бино қуриб берилса... Айтмоқчи, Бобур Ражабов айна шу масалада кўплаб ташкилотларга мурожаат қилди. Туман ҳокимлигидан наҳот кутди. Мурожаатларига келган жавобларни ўқиб, булардан ташкилотчи раҳбардан кўра дипломат чикарими, деган халға борасан киши. Дейлик, туманининг аввалги раҳбари Ш. Саломов, туман ҳокими ўринбосарлари Б. Жумаев, Б. Ғайбуллаевнинг жавоб хатларида "2022 йил-

барча банклар ҳам национализация қилинади. 1925 йилга келиб Бутун тармоқ жағмарма кассалари СССР Давлат меҳнат жағмарма банкига айлантирилади. Хусусан, Тошкентдаги филиал ҳам мазкур банк таркибига киритилади.

Собик Иттифоқ таназуулга юз тутиб, Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилгач, ўзбек миллий банклари ҳам мутлақо мустақил фаолият кўрсата бошлади. 1993 йил 27 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг 430-сонли қарори билан "Ўзжамгармабанк"нинг Устави тасдиқланди, унинг асосий вазифалари ва функциялари белгилаб берилди. 1995 йил 4 октябрда "Ўзжамгармабанк"ни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинади.

2015 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг тегишли Фармонию мувофиқ, Давлат-тижорат Халқ банки номи "Акциядорлик тижорат Халқ банки" номига ўзгартирилди.

Бугун Ўзбекистон банк-молия секторида меҳнат қилаётган соҳа ходимларининг салкам 40 фоизи, яъни 12 минга яқини айнан Акциядорлик тижорат Халқ банкида фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, Халқ банки мустақил Ўзбекистонимизнинг энг қадимий ва биринчи банки бўлиши билан бирга, мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларини қамраб олган ягона салоҳиятли молия муассасаси сифатида эътироф этилади.

Гулноза АЛИМОВА.

Хизматлар лицензияланган.



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 268 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг оқнаиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик ҳаётдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббеков.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.50 Топширилди — 04.40

1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Реклама ўрнида